

Макр



11:00 / 08.09.2023 1093

Кунларнинг бирида тулки ўзи овлаган ҳайвонни тановул қилаётганда ўлжанинг кичик суюги унинг томоғига тиқилиб, юта олмади. Томоғида қаттиқ оғриқни сезиб, инграганча у ёқдан бу ёққа югуриб ёрдам берадиган жонзотни излади. Йўлида учраган ҳайвонга: «Агар суюкни чиқарсанг, истаган нарсангни бераман» дерди. Турна уриниб кўришга рози бўлди. Тулки ёнбоши билан ётиб, оғзини катта очди. Турна узун бўйинини тулкининг жағига қўйиб, тумшуғини унинг ҳалқумига киритди. Суюкни жойидан қўзғаб, охири чиқарди. Сўнг тулкига қараб: «Менга ваъда қилган нарсангни берасанми?» деди.

Тулки тишларини кўрсатиб айёрона тиржайди ва «Қаноатли бўл, бошингни тулкининг оғзига қўйиб, саломат ҳолда олганинг сен учун етарли мукофот эмасми?!» деди.

Хулоса шуки, маккорлар билан келишувнинг охири макр билан тугайди.

Нозимжон Ҳошимжон

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 11 августдаги 03-07/6522-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.